

Жаноб муаллиф ва мухаррири «Тараккий»дин илтимос килурманким, никох масаласи хусусида мани бу беш-олти калима сўзимга «Тараккий» саҳифасидан жой берсалар.

Кола набийи саллоллохи алайхи васаллам никох суннати «Фаман рағба ан суннати фолис мани» мазмунича бир оқил ва болиғ кишига тазаввиж, яъни уйланмок суннат муаъкадаларини бири бўлмокига ҳеч шубҳа йўқдур. Бунга биноан ҳар ким ўз кафуввини топиб, оли қадарал ол тўй-томоша қилиб, имом афандиларимиз фасих ва мавзун иборатлар бирла ақди шаръий қилиб, бир ваҳҳи суннат хутба ўқилиб, қизни қуёв қўлига таслим қилурлар. Хўб яхши, аммо икки-уч моддаи мувассафаси бордурки, анинг фасҳига қўшиш қилмок уламои зулҳитромларимизга ва ағниёларимизга вожиб даражасида муҳим ва зарурдир. Биринчиси, қалмок ва хитой тоифаларидан қолгон бир расми қабихадурким, никохдан бир қун муқаддам беш-ўн нафар созанда ва жувонларни жам қилиб, неча қил афъоли қабиха, қайримашруълар бирла ўз ёру биродарларига базм қилиб қўрсатиб, офаринлар уюштирар эдилар. Бу ишни шаръан ҳаромлиги изҳори миқал шамсдир. Аммо авомунносга қинон шойиъ бўлмишдирки, мартабаи истихлолдин ўтуб, суннат, балки вожиб даражасига етубдур.

Закот бермок бўлгон қолда бир бой закот бермаса, ҳеч қимнинг иши йўқ, аммо ўғлини уйлантириб, базм бермаса, авомлар ўртасида маломатга мустаҳик бўлур.

Иккинчи никох қуни қелинни қуёв қовлисига олиб борурда қўриладиргон бир расми шаниъадурки, бир аробага қелинни солиб, ул аробанинг олдида икки-уч нафар хотунлар беибо қирманда қалиб ва ҳофизлик қилиб бормоклари. Ағарқи қуллиятан бўлмаса қам ақсар қойда қўрилмокдадур. Бу бадбахтларнинг аврат овозини эшитиб, қўп муқулмонлар қунаққор бўлмокдадур.

Учинчи, қаллол ва ялоқи масаласидурким, муни ҳаромлиғидин қиёда зарарлари қам бор. Қунонқи бир қовлида ялоқи ўйнаса, қамийъ хотунлар ани атрофида туруб ўртага маъжусий оташпарастлардек оташ ёқурлар, баъзи қойларда ул бадқирдорларнинг ўйинини эрқаклар қам бир тарафда туруб томошо қилурлар ва баъзи қодонлар қўлларига танга олиб ўюнқисини қоқириб, бир аъло фохишабозлик қилурлар. Буларнинг бу ишларини бўлак мастура хотунлар қўриб турурлар. Мазқур эрқакларнинг бир қўзлари ўюнқида бўлса қам, бир қўзлари бошқа хотунларда бўлур, ҳосили қалом, тоқати исломиятдан қориж бир қилоф шаръидурки, буни шафеъи ва давоми ақолии исломни қайрат ва қамиятдин бутун-бутун қудо қилур. Бас, бу афъоли қабойихларни фасҳига уламолар қўшиш қилмасалар, бу ишларни шаръан қоиз эконлиғини авомунносга билдурмасалар, авомуннос бул қилофи шаръий ишларни истихлол ва истихфонида муқовомат қилсалар қерак ва бул эътиқод фосидалари бора-бора уламоларга қам таъсир қилса, бул қилофи шаръиларда авомунносга мутобаат қилсалар қерак, балки мутобаатлари қам қўринмақдадир. Хаттоқи баъзи ақли илмлар бу ишларни қавозият ва шаръилиғини таважжух қилмокдадурлар. Ё раб, мундай фасо ақлок ва мундай беҳамиятликдурки, шундай қилофи шаръиларни манъига эллик-олтмиш минг муқулмондин бир қайрат соқибни тоқилмас.

«Тараккий», 1906 йил, 3 феврал

Хар беша гумон мубарки холист, шоядки паланг хуфта бошад[1]. Мазмунича: гайрат ва хамият сохиблари алхамдулиллох мавжуддурлар. Чунки бундин мукаддам базм ва ялочилар хакида ёзгон маколамизни «Тараккий» саҳифасида ўкугон кишилар хаттики мухофизи шаръийи шариф бўлгон козийи исломимиз бул тўғрида изхори мамнуният килдилар. Баъзи маҳаллаларда ижтимоъ бўлиб, хар ким тўйида бачча ва ялочи ўйнатса, маҳаллага кўшилмасун ва аралашмасун деб фотиҳа ўкугонлари эшитилди. Бул жанобларнинг амсоллари кўпаймоғини самим бирла вожибул вужуддин тилаб ва истидоъ килиб дермизки, бораколлох, яшосун гайрат, яшосун хамият, олами исломият. Бул тарика хилофи шаръиларни манъига энг аввал гайрат килгон жанобларни табрик ва таҳсин килиб, бошқа маҳаллаларнинг ҳам бул жанобларга лоҳак бўлмоқларини илтижо килурмиз. Аммо фуқароларни соҳиби гайратлари «паланг хуфта» манзалласидадурларки, «паланг хуфта»ни куввати ҳеч ерга етмас. Мисола, бир маҳалла имоми ё элликбоҳиси бош бўлиб манъ килсалар, иккинчи маҳаллага таъсир килмас, иккинчи маҳаллага таъсир килса, учинчи маҳаллага йўл топилмас ва бул хилофи шаръилар чунон шойиъ бўлмишдирки, баъзи беҳамиятлар маҳаллага кўшилмасликга рози бўлиб, базм ва ялочини таркига рози бўлмас, чунки ота-боболаридин колгон расм эмиш, бас, бул расми кабиҳаларни манъ ва фасҳи уламоийи зулэхтиром ва куззоти ислом ва ҳукуматдорон неқномларимизга лозимдурки, бул жаноблар хар бир ижтимоъларида иттифок килиб, фалон ва фалон ишларни муҳолифи шаръийи шариф бўлгон ваҳидин манъ килдук ва хар ким килса фалон жазога мустаҳик бўлур, деб ҳукм килмоқлари бирла бул хилофи шаръилар бутун орамиздин кўтарилиб ва бул ишларни сабаби бирла дунёи ва оҳиратда сазовори оҳири азим бўлмоқларида шаръан ва аклан ҳеч шубҳа йўқдир. Яҳудийлар забиҳни ман килмок тўғрисида килгон хамият ва жасоратлари бутун Туркистон мамлакатига таъсир килгондек буни ҳам таъсири бутун Туркистон мамлакатига ҳусусан, Фаргона музофотларига таъсири маълумимиздур. «Хайрун нос ман янфаън нос» — ҳадиси шариф маолинча, сифоти хайруннослик бирла мутассиф бўлмоқларида ҳам шак йўқдир. Зероки, бул ишларни ман килмок — мусулмонларни дин ва дунёларига фойда еткурмакдур. Дунёларига фойда шулки, бул хилофи шаръиларини сабабидин оҳиратда тортадургон дўзах азобларидин холос бўлурлар, дунёларига фойда шулки, бачча ва ялочини бир кечалик муздига берадургон ўттуз-кирк сўмлари ўз киссаларининг манфаатига колур.

Хамадин бул моддаси ажаброкдурки, муҳолифи шариат ва бидъат бўлгон бадбаҳт ва баччаларни музdlари ўттиз сўм, кирк сўм бўлиб, куёв-келин кўшулмоқларини хилтига энг амада зарур бўладургон хутба ўкугувчи имом афандиларимизни музdlари йигирма тийин ё ўттиз тийин бирла бир ўн тийинлик даструймолдир. Ё раб, мундай бетартиб ва бенизомлик бўлурму.

Фарёд аз замонан бемехр каж харом,
Хунрезан жонистони гамангез бенизом[2].

«Тараккий», 1906 йил, 7 феврал

Ўзинг бедор кил, ё раб, бизни бу ҳоби гафлатдан,
Хидоят кил тариқи ҳақ сори роҳи залолатдан.

1905 нчи, 17 нчи октябрда берилмиш манифест, яъни хуррият жумла Русия фукароларини асирлик зиндонидан озод қилиб, ўз ҳуқуқи диния ва дунявияларини талаб қилмоқда ва ўз мамлакатларини ислоҳида ва ўз мактаб ва мадрасаларига тартиб ва низом ижро қилмақда. Хурлик, мухторлик ато қилинди ва бул хуррият воситаси ва соясида жумла Русия фукаролари оли алалхусус неча замонлардин бери ҳар ғўшада сиқилиб ёткон мусулмонлар қафасдин озод бўлгон қушлардек ҳар тарафга парвоз қилиб, ўз ҳуқуқи миллия ва маолияларини талабида чунон ғайрат ва ҳамият қила бошладиларки, ёлгуз мусулмонлардин Петербург шаҳрига юборилган аризалар 500 дин зиёдага болиғ бўлди. Ҳеч бир шаҳар, вилоят қолмадики, давлат Думасига мусулмонлар тарафидин вакиллар сайланмоққа маслаҳат ва машварат қилинмагон бўлса ва ҳеч бир вилоят қолмадики, ислоҳи мамлакат ва ижройи аҳкоми шариат ҳусусида мажлис-мушаваралар қурулмогон бўлса. Аммо биз Туркистон вилоятининг мусулмонлари хануз асирлик зиндонидида туфроғ емақдамиз. Жумла вилоятлардин миллати-миллати садолари эшитилмақдадур. Аммо бизнинг вилоятимизда нафси-нафси наволари тараннум этилмақдадир. Ҳаммада изхори ҳаққоният, бизларда исрори нафсоният, ҳаммада ғайрат ва ҳамият зуҳури, бизларда ихтилоф ва ғафлат ҳузури. Биза нечун иттифок ўрнига одати ихтилоф ўлмиш, Магар бизларга рўзи ўлмаиш миллатда ғайратдан.

Ҳамманинг мактаб ва мадрасалари мураттиб ва мунзим, бизларга усул ва тартиб макруҳ ва маҳрум, оли алалхусус биз Тошқанд мусулмонларига суннат ўрнига бидъат, уфок ўрнига нифок, ваъз ва насиҳат ўрнига жанг ва шикоят, ғайрат ва ҳамият ўрнига ҳавфу ғафлат. Истеъмоли мажлисларимизнинг энг амада заруриётидин ўлмиш ибодат учун бино қилингон масжидларимизнинг дарвозахонаси шикоятхонага мубаддал ўлмиш. Ваҳоланки, шикоятни рамлигида шак ва шубҳа йўқдир. Имомларимизнинг вазифалари қавмларига ваъз ва насиҳат бирла аҳком шариатни билдируб, ғайри-машруъ ишлардин қайтармоқ бўлгон ҳолда ўз вазифаларини адо қилмоққа тўй ва маърақа ахтармоқдин қўллари бўшамас. Агар қавмларини олдиға тушуб тўй ва маърақага юрмасалар ўшал қуни имоматдин маъзул бўлур эмишлар. Чунки авомунноснинг эътиқодида имомлик қавмнинг олдиға тушуб тўй ва маърақа ахтармоқдин иборатдур ва аъёни қавмға ҳушомад қилиб, гирдин экмақдан қинойтдур.

Ваҳоланки, имомлар ноиби Расуллулох саллоллоху алайҳи васалламдурлар. Оллох таолий анбиё алайҳим-ус-саломға ўз аҳкомларини бандаларига етқузмақни ваъз ва насиҳат бирла одамларни динға ва яхши амалларға далолат қилмақни амр қилди. Ул жаноблар ҳар қайсилари маъмур бўлгон вазифаларини адо қилмақ учун ўз нафсларига турлук-турлук жафоларни раво қўрдилар. Харғиз ва ваъз насиҳатдин забони муборакларида қусурлик қўрулмади, ҳусусан, ҳазрат Расули акрам саллаллоҳи алайҳи васалламнинг даҳани муборакларидин тўти руҳлари парвоз қилгунча «умматим», «миллатим» қалималарини забони муборакларидин қўймадилар. Қани бизларда ул жанобларға мутобақат, қани ул жанобларға мувофақат. Қачонки ул жаноб «Қулли нафси зоикатул мавт» мазмунича дорулфанодин дорулбақоға рихлат қилдилар. Умури ҳидоят ва муҳофазатдин ва миллати ҳулафойи рошидин алайҳим ар-ризвонни вазифалари ўлди. Ул жаноблар ҳам ҳар қайсилари ўз замонларида миллат учун чунон ғайрат ва жасорат қўрсатдиларки, бутун Форс ва Туркистон балки, аксар Хиндистон мамлакатлари бул жанобларнинг замонларида шарафи Ислом бирла мушарраф бўлди.

Хаммалари ўзларини миллатга қурбон қилдилар. Бас, бул жанобларни ноиб ва ворислари уламои киrom ва умаройи зулэхтиромлар ўлдилар.

Бул жанобларда ҳам якин замонларгача ўзларига лозим бўлгон вазифаларни адосида қусурлик қўрилмади. Аммо бул замондин юз йилдин зиёдрок муқаддам замондин бошлаб охиста-охиста миллат деворининг ҳар тарафига раҳналар пайдо бўлди. Мунга сабаб уламо ва умароларимизнинг ўз нафсларини риоясида ҳаракат қилмоқлари бўлди. Подшоҳ ва хонларимиз бўлса, миллатга қилгон хизматлари танҳо хотун олмоқ ва қучуқ уруштирмоқ ва бегайрат ва ҳаққоният диндор кишиларни бадарга қилмоқ ва тутуб ўлдирмоқ бўлди. Миллат нима, шариат нима, билмадилар ва қарамадилар. Шунинг учун миллат деворини раҳналари тобора зиёда бўлди. Бўзахўрлик, қиморбозлик, баччабозлик, базм қилмоқ ва ялочи ўйнатмоқ, эрқакни хотун қилмоқ ва хотунни эрқак қилмоқ, зино қилмоқ, шикоят қилмоқ ва бир-бирларини ҳақорат қилмоқ, ҳусусан, оғизга ҳақорат қилмоққим, қуфри сарихдур ва шуларга ўхшаш ҳаром амаллар ўрталарида чунон шойиъ бўлдики, ҳаромлиги ҳеч қимнинг дилидин ҳатир қилмади. Бу ишларни алҳол бизларнинг ота-боболаримиз расмларидур, деб истеъмом қилмоқдадурлар, ҳаттиқи баъзи мўйисафедларимиз бизлар йигитлик вақтимизда мундай ишларни қилар эрдук ва мундай базмларни қилур эрдук, бизларнинг баччаларимиз мундай ўюнчи эрди, қани ул баччалар, замона фосид бўлди, йигитлар хотун бўлди, деб ўтган замонларга фахр ва бу замонга афсус ва надомат қилурлар. «Инноллоҳа йағирмо ба қавми йағир мо ба нафсихум». Мазмунича: охирул амр бу афъоли қабихаларимизни сабабидан мулк-мамлакатимиз тағаййур ва табаддул бўлиб, асир-у, ҳор-у залил бўлдук.

Вақтиқи ҳукуматдорларимиз бизларни бул тариқа гафлатда ва жаҳолатда топдилар. Миллатимиз деворининг қолгон ерларига раҳна солиб, шариатимизни ободлигина энг амада сабаб бўладургон масжид ва мадраса вақфларини таваққуф қилиниб, қозиларимизнинг номларини «народний судья» ном қўйилиб, уч юз сўмдан васика қилмоқ қозиларимиздин олинди. Қозиларимиз ҳуқмларини положениега мувофиқ қилмоққа мажбур бўлдилар ва соира-соира раҳналар пайдо бўлди. Аммо ўз ҳукуматдорларимизнинг қўзларини гафлат чунон қопламишки, ҳануз ўз нафсларининг фойдасини ахтармоққа машғулдирлар ва ул фойдадин миллат ва шариатга ҳоҳ фойда ўлсун, ҳоҳ зарар ўлсун ҳар бир ҳаракатларидин манфаати шахсиялари мақсуддир. Ва ҳар фикрларида риояни нафслари мавжуддир.

Уламоларимизда ҳукумат йўққи, миллат деворини раҳналарини ислоҳ қилсунлар ва ҳукуматдорларимизда гайрат йўққи, бу ислоҳда уламоларимизга ёрдам берсалар, алалҳусус, ҳар миллат соҳиблари ўз ҳуқуқи миллия ва маолияларини талабида ҳур ва мухтор бўлгон бу замонда ва ҳар вилоятда ислоҳи мамлакат учун мажлис, мушоваралари қурулгон бу асрда бизнинг Тошқанд шаҳрида ислоҳи мамлакат ҳусусида на бир ижтимоъимиз бор ва на бир маслаҳатимиз бор ва на ҳуқуқи диния ва дунявиямизни талабида бир ариза бердук ва на давлат Думасига вақил сайламоқ ҳаёлимизга қелур. Ёлгон бўлмасун, мундин бир-икки ой муқаддам уламо ва ҳукуматдорларимизнинг гайрат то-мурлари ҳаракатга қириб, ўз ҳуқуқларини талабида ариза бермоқ учун икки-уч бор ижтимоъ қилдилар. Афсуски, ул ижтимоълари ҳам ёлғуз палов ва зиёфатхўрлик бирла нафсониятдин иборат бир мажлис бўлди. Ариза бермоқ мунда турсун, аризани тартибига ҳам иттифок қила олмадилар. Чунки ҳар қим ўз манфаати шахсиясини

мулоҳазасида сўз сўзлади.

Кўркурманки, биз бечоралар шул гафлат ва шул ихтилоф ва шул нафсоният соясида хама мустафид бўлгон хурриятнинг неъматларидин ҳам махрум колмасак деб. Агар шундан ҳам махрум бўлсак, миллатимизнинг деворига солинган рахналар тобора зиёда бўлмогида ҳеч шубҳа йўқдир. Агар шул хол бирла кетсак, тонгла киёматда биз, ахли исломни қўлларимиз кимнинг яколарида бўлса керак.

Биз фукаралар, кўйдек мусулмония, амалдорларимиз чўпон мисллик бўлиб, тонгла бизларнинг ахволимиз борасида масъул бўлсалар керак. «Кулликум раоъ ва кулликум масъул ан раията», орамизда бўлган рахналарни ислоҳи ҳукуматдорларимизнинг қувват ва гайратлари бирла мумкиндир. Лоакал шунга ҳам бир гайрат килмасалар, мисола бу рахналарни бир нечаси бачча ва ялочиларни ўйнатмоқдурки, мундан мукаддам газетларда ёзилиб эрди ва ул газеталарни ўкугон кишилар гайрат ва ҳамият килишиб, неча ерларда бу ишларни манъига фукараларни ўзлари қўшиш килишлари, аммо ерларда манъига мувофик ўлсалар ҳам баъзи жойларда қўлларида ҳукумат бўлмагон ваҳхидин манъ килмокка кодир бўлмадилар. Агар ҳукуматдорларимиз бул ишларда уламо ва фукараларга ёрдам бериб бош қўшсалар эрди, бутун Туркистон вилоятидин бу ишларни барҳам бермок мумкин эрди. Бас, бу ишларни тўғрисидин киёматда савол ўлса, кимнинг доманин тутармиз. Иккинчи дўхтур масаласидурки, бокияси бор[3].

«Тараккий» газетаси, 1906 йил, 7 март

[1] Ўрмонни тинч деб ўйлама, шоядки бир йўлбарс ухлаб ётгандур.

[2] Бемехр, харом, жонлар конини конунсиз тўкиб, гамга ботирувчи замондан фарёд.

[3] Газетада Мунаввар корининг дўхтирларга багишланган маколasi босилмаган.— С. А.